



ЎзР Президенти
Администрацияси
ЎзР Вазирлар Маҳкамаси



"TARAQQIYOT STRATEGIYASI"
MARKAZI



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

ПРЕСС-РЕЛИЗ

“ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИ: илк натижалар ва келгуси режалар” халқаро анжумани

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар натижаларини сарҳисоб қилиш ҳамда ислохотларнинг келгуси босқичлари ҳақида кенг жамоатчиликни, шу жумладан, халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиш мақсадида 2019 йилнинг 25 январь куни “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари: илк натижалар ва келгуси режалар” мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, “Yuksalish” умуммиллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, Швейцария Конфедерацияси ҳамда АҚШ давлат департаменти каби халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда 250 дан зиёд соҳа мутахассислари – маҳаллий ҳокимият, мутасадди вазирлик ва идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, экспертлик ҳамжамияти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Халқаро анжуман мазкур дастурлар ижроси ҳолати ва келгусидаги режалар ҳақида жамоатчиликни ўз вақтида ва кенг хабардор қилиш, ечимини кутаётган вазифаларни муҳокама қилиш ҳамда қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш бўйича халқаро тажриба ва молиявий институтларни жалб қилиш мақсадида ўтказилди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан жорий этилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг умумий мақсади, инновацион ёндошувлар, лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият, турли ҳамжамиятлар ва халқаро ташкилотларнинг роли ҳақида маълумот бердилар. Шунингдек, “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширилиши орқали ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши, ижтимоий соҳа ва инфраструктура даражасини ошириш стратегияси бўйича ҳисоботлар тақдим этилди.

Анжуман мутахассислар учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини комплекс амалга ошириш юзасидан хорижий тажрибани кенг қўллаш ва лойиҳани қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ташкилот вакиллари билан қўшма лойиҳаларни атрофлича муҳокама қилиш, шунингдек, ҳукумат идоралари, бизнес доира вакиллари ва аҳоли ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари юзасидан таклифларни ўрганишга хизмат қилди.

Тадбир якунларига кўра, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини келгусида амалга ошириш бўйича халқаро ташкилот ва экспертларнинг таклифлари, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича билдирилган фикрлар умумлаштирилди.

Маълумот учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сонли фармони билан “Обод қишлоқ” дастури ҳамда 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630-сонли Президент Қарори билан «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари белгиланган эди.

2018 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 159 та тумандаги 416 та қишлоқда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мазкур қишлоқлардаги 142 минг якка ва мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 3 минг километрлик йўлларда таъмирлаш ишлари, 2,5 минг километрлик электр тармоқлари, 2 минг километр сув тармоқлари тортилди ва таъмирланди, 2400 та бозорлар ва бошқа турдаги инфратузилма объектлари қуриб битказилди. Бундан ташқари, 388 та умумий таълим мактаблари, 313 та мактабгача таълим муассасалари, 168 та тиббиёт муассасалари, 38 та маҳалла ва 55 та бошқа ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунланди.

“Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилиши учун зарур маблағларнинг 80 фоизини Давлат бюджети, давлат корхоналари маблағлари, шунингдек, жалб қилинган сармоялар ташкил қилган бўлса, қолган 20 фоизи тадбиркорлар маблағлари ва банк кредитларига тўғри келди.

2018 йилнинг 4 июнь куни давлатимиз раҳбари Чилонзор туманида жойлашган “Хирмонтена” ва “Тирсақобод” маҳалларига ташрифи давомида “Обод маҳалла” дастурини ишлаб чиқиш борасида кўрсатмалар берди. 2018 йилда пойтахтнинг 11та тумани ва мамлакатимизнинг 30та шаҳрида жойлашган маҳаллаларда таржиба сифатида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

“Обод маҳалла” дастури ушбу йўналишда тўпланган ижобий тажрибани ва аҳолининг истакларини инобатга олган ҳолда қабул қилинди. Унга кўра, 2018 йилда ҳар бир шаҳарда камида 2та маҳаллада ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, 2022 йилга қадар эса бу каби ишлар ҳар йили ҳар бир шаҳарнинг 3та ва ундан зиёд маҳалларини қамраб олиши кўзда тутилган. Бунинг доирасида ичимлик суви қувурлари, электр қувватлари тармоқлари, газ қувурлари ва оқава тизимини қуриш, ётқизиш ва таъмирлаш, шунингдек, мавсумий сувлар сатҳини пасайтириш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, 5 минг 607 километр ичик йўллар ва 369 ижтимоий объектларни таъмирлаш, 969 бозор инфратузилмаси объектлари ва хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этиш кўзланган. Шу мақсадда маҳаллий ҳокимиятларда “Обод маҳалла” жамғармалари ташкил этилган.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида мамлакатда амалга оширилаётган бу каби кенг қўламли ишлар борасида кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамиятни хабардор қилишни, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бўйича қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун хорижий тажриба ва халқаро молиявий институтлар маблағларини жалб этишни талаб қилади.

Анжуманда муҳокама этилган мавзулар:

- “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2018 йилда амалга оширилган ишларнинг асосий натижалари;
- “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида давлат бошқарув органлари, хусусий сектор ва фуқароларнинг ҳамкорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича келгуси вазифалар;
- ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг қараши;
- қишлоқ ҳудудларида сармоявий лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишга фуқароларни жалб қилишнинг одатий ва инновацион механизмлари, ҳамда илғор хорижий тажрибани жорий этиш;
- “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ташкилий механизмлари ва молиялаштириш бўйича мақсадли жамғармаларни шакллантириш;
- “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш мақсадида халқаро ривожланиш институтлари тажрибаси ва маблағларини жалб қилиш.